

## **Мавзу № 9. Фуқаро муҳофазасининг фаолият кўрсатадиган тузилмалар, уларнинг ҳуқуқлари ва бажарадиган вазифалари.**

### **Режа:**

1. Фуқаро муҳофазаси хизматларининг турлари.
2. ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимлари.
3. ФВДТ бошқарув органлари.
- 4 ФМ штабининг хизматли тизимлари

**Калит сўзлар:** куч ва воситалар, кечиктириб бўлмайдиган тиклов ишлари (ҚБТИ), эвакуация, радиоактив моддалар ва биологик воситалар, дегазатсия, дезинфекция ва дезактивация.

### **1. Фуқаро муҳофазаси хизматларининг турлари**

Фуқаро муҳофазасининг махсус тадбирлари бажарилишини таъминлаш ҳамда ушбу мақсадларда куч ва воситаларни тайёрлаш учун республика, вилоят, туман, шаҳар, шунингдек объект миқёсидаги фуқаро муҳофазаси хизматлари ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси хизматларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаро муҳофазаси кучлари фуқаро муҳофазаси қўшинлари, тизимларидан таркиб топади. Фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларининг таркиби, уларнинг таркибий тузилиши, шунингдек муҳофаза турлари фаолиятининг бошқа жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан белгилаб қўйилади.

Фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этишда ФВВ кучларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг қутқарув тизимлари, қисмлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазасининг қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси кучларининг асосини ташкил этади.

Фуқаролар муҳофазаси тизимлари қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тиклов ишларини (ҚБТИ) амалга ошириш учун ҳудудий-ишлаб чиқариш тамойилларига кўра ташкил этилади.

**Фуқаро муҳофазаси тизимлари бўйсуншига кўра** - ҳудудий (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар миқёсида) ҳамда объект (иктисодиёт объектларидаги) тизимларига бўлинади. Объект фуқаролар муҳофазасининг бошлиғи этиб ўша корхонанинг ёки ташкилотнинг бошлиғи тайинланади.

**Фуқаролар муҳофазаси яна белгиланган вазифасига кўра** - умуммақсадли ҳамда хизматли тизимларга бўлинади.

Умуммақсадли тизимлар зарарланган ўчокларда қутқарув ишларини олиб борадилар.

Хизматли тизимлар эса махсус тадбирларни бажарувчи хизматлар - қидирув ишларини олиб бориш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш, инсонлар саломатлигини тиклаш, разведка ўтказиш, авария ва техникаларни тиклаш, ҳимоя иншоотларида хизмат кўрсатиш ва бошқа махсус вазифаларни бажарувчи тизимларига бўлинади.

Фуқаролар муҳофазаси тизимларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мансублар, 1, 2, 3-гурух ногиронлари, хомиладор аёллар, 8 ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, айти пайтда 3 ёшга тўлмаган болалари бор ўрта ёки олий тиббий маълумотли аёллар бундан мустасно.

## **2. ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимлари.**

ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимлардан иборат бўлиб, у республика, маҳаллий ва объектлар миқёси даражасида бўлади.

ФВДТнинг ҳудудий қуйи тизимлари ўз маъмурий ҳудудлари доирасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилади ҳамда тегишли равишда туманлар, шаҳарлар, кишлоқлар ва овуллар миқёсида ташкил топади.

ФВДТ ҳудудий қуйи тизимларининг вазифалари, уларни ташкил этиш, куч ва воситалари таркиби, фаолият кўрсатиш тартиби маҳаллий геофизик ва табиий, иқлим шароитларини, кучли хавфли объектларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб белгиланади ҳамда ФВВ билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

ФВДТ нинг функционал қуйи тизимлари вазирликлар, давлат қўмиталари, корпоратсиялар, консернлар, уюшмалар ва компанияларда атроф-муҳитни, кучли хавфли объектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилишни амалга ошириш, шунингдек уларга қарашли объектларда ўзларининг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун ташкил этилади. Жумладан, Республика даражасида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги, хавфли объектлар ҳолатини кузатишни назорат қилиш учун вазирликлар, идоралар, маҳаллий миқёсида ҳудудий ҳокимликлар, объектлар миқёсида корхоналарнинг маъмурияти мутасадди ҳисобланади.

### **3.ФВДТ бошқарув органлари.**

ФВДТ бошқарув органларининг объектлар даражасидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, объектлар ишининг ФВ чоғида ишончилиги ва барқарорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- Бошқарув органларининг, объектлар куч ва воситаларининг ФВ чоғидаги ҳаракатларга тайёрлигини таъминлаш;
- Авария-қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга шу жумладан, объектлар ходимларини эвакуатсия қилишга раҳбарлик қилиш;
- Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

Ҳар бир объектларнинг раҳбарлар таркиби, куч ва воситалари, шунингдек ходимларини ФВлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш муҳим аҳамийтга эга. Ҳар бир корxonанинг ФМ бошлиғи, ФМ ни ташкил этилишини, унинг ҳолатини, кучларини, техникасини доимий тайёр ҳолатда бўлишлигини назорат этади, ҳамда қутқарув ва қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади. Корхона ФМ нинг бошлиғи шу корхона жойлашган ҳудуд ФМ га ва шу корxonанинг юқори ташкилоти ФМ сига бўйсунди.

Ҳар бир корxonанинг ФМ бошлиғига ўринбосар тайинланади. Катта корxonаларда бир неча ўринбосарлар тайинланади, жумладан:

- а) Ишчи хизматчиларни жойлаштириш (ёки эвакуатсия);
- б) Муҳандис-техник ишлари бўйича;
- в) Моддий техника таъминоти бўйича.

ФМнинг ишчи хизматчиларни жойлаштириш бўйича ўринбосари жойлаштириш режаларини ташкил этади, уларни оилаларини эвакуатсия қилиш, жамоат тартибини сақлаш ишларига бошчилик қилиш ҳамда ишчи хизматчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ишларини ташкиллаштириш вазифаларини бажаради.

ФМ нинг муҳандис-техник бўлими ўринбосари корxonанинг бош муҳандиси ҳисобланади. Унинг вазифаси ишлаб чиқаришни алоҳида режим асосида ишлаш режасини тузиш, тинчлик даврида ишлаб чиқаришни муттасил ишлашини таъминлаш, экстремал ҳолатларда авария-техника ва ёнғинга қарши хизматларни, қутқариш ишларини олиб боради, бундан ташқари, табиий офатлар, авария, ҳалокат бўлганда қутқариш ва аварияни тўсиш, ҳамда қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади.

ФМнинг моддий техника таъминоти бўйича ўринбосари қилиб корхонанинг таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари тайинланади. Бу мансабдор шахс, махсус жиҳозларни, техника, транспорт ва муҳофазага тааллуқли жиҳозлар билан таъминлайди ва сақлайди. Шунингдек, у бошпаналарни қуриш ва ўз қўл остидаги ишчи хизматчиларни эвакуатсия қилишни таъминлайди ҳамда иншоотларни таъмирлаш ишларини бажаради.

#### **4. ФМ штабининг хизматли тизимлари**

Корхонада ФМ нинг штаби тузилади. Бу штабда ҳар ҳил буйруқлар, бажариладиган чора-тадбирлар ва ФМнинг юқори ташкилот талабномалари, иш режалари ишлаб чиқилади, уни бажарилиш ҳисоботлари тузилади. Корхона штаб бошлиғи этиб, шу корхонанинг ФМ бошлиғининг биринчи ўринбосари тайинланади. ФМнинг штаби ишчи хизматчиларни ва корхона ходимлари оилаларини қирғин қуроллар таъсиридан, душманнинг бевақт ҳужумидан ўз вақтида огоҳ қилиш ишларини ташкил этади.

#### **ФМ штаби асосида қуйидаги хизматли тизимлар ташкил этилади:**

- а) Алоқа ва ташвиқот;
- б) Медитсина;
- в) Радиация ва кимёвий қуроллар таъсирига қарши;
- г) Жамоат тартибини сақлаш;
- д) электр таъминоти;
- э) Авария-техникани таъмирлаш;
- ж) Пана жойларда ва қочоқлар масканида хизмат кўрсатиш;
- з) Транспортда хизмат кўрсатиш;
- и) Моддий таъминот ва бошқа вазифалар.

Юқорида таъкидланган фуқаролар муҳофазасининг хизматли тизимларидан ташқари техника ва транспорт воситаларига махсус қайта ишлов беришда ФМнинг бир қатор хизматли қисмлари кенг ишларни ташкил этади. Жумладан, ФМ лабораториялари радиоактив ва захарли моддаларни аниқлаш учун радиометрик ва кимёвий таҳлил ишларини олиб боради. Улар асосан корхона ёки ташкилотларнинг лабораториялари таркибида ташкил этилиб, унга мутахассислар жалб қилинади ва керакли асбоб ускуналар билан жиҳозланади.

Радиоактив моддалар ва биологик воситалар билан захарланган одамларни тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтказиш учун ювиниш масканлари ташкил этилади. Бу масканлар асосан ҳаммом ва душхоналар асосида ташкил этилиб, улар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бу масканларда кийим-кечаклар, пояфзал ва шахсий сақловчи воситаларни дезактиватсия қилувчи майдончалар тайёрланиб жиҳозланади. Бир ювиниш маскани бир соатда 80 одамни қайта ишловдан ўтказиши лозим. Кийим-кечак, пояфзал шахсий сақловчи

воситаларни дегазатсия, дезактиватсия ва дезинфексия қилиш учун кийим-кечакларни зарарсизлантирувчи масканлар ташкил этилади. Булар асосан ҳаммом ва кийим-кечакларни ювувчи масканлар таркибида ташкил этилади. Бундай масканлар 1 соат ичида 50-100 кг кийим-кечакларни қайта ишлаш қувватига эга бўлиши лозим.

Транспорт воситаларни дегазатсия, дезинфексия ва дезактиватсия қилиш учун эса зарарсизлантириш шохобчалари ташкил этилади. Бу зарарсизлантириш шохобчалари асосан транспортларни ювувчи қисмлари таркибида ташкил этилиб, улар 1 соат мобайнида 4-5 та юк автомашиналарини зарарсизлантириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Демак, фавкулодда вазиятларни бартараф этишда асосий вазифаси фавкулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДТ) нинг куч ва воситалари ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги 558-сонли қарорининг 14 бандида ФВДТнинг фавкулодда вазиятларни бартараф этувчи куч ва воситалари белгилаб берилган.